



қолса, бу ҳолатдан маҳзун бўлардилар. Шу сабаб ҳам ул зотни меҳмонларнинг отаси, деб аташарди. Шунингдек, у кишининг уйида тўртта эшик бўлиб, қайси эшикдан бирор меҳмон кириб келаркин, дея қараб ўтирар эдилар.

Кўплаб шарафли ҳадисларда меҳмонни иззат қилишга тарғиб ва ташвиқ қилинган. Жумладан, Абу Ҳурайра (разияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда бундай марҳамат қилинади:

مويلاو هللاب نمؤي ناك نمو هفيس مريكيلف رخآلا مويلاو هللاب نمؤي ناك نمو تمصيل وأريخ لقيلف رخآلا مويلاو هللاب نمؤي ناك نمو همحر لصيلف رخآلا

Яъни: “Кимки, Аллоҳга ва охират кунига иймони бўлса, бас, меҳмонини иззат-икром қилсин. Кимки, Аллоҳга ва охират кунига иймони бўлса, қариндош уруғлар билан силаи раҳм қилсин. Кимки, Аллоҳга ва охират кунига иймони бўлса, яхшиликдан сўйласин, ёки жим турсин”. (Муттафақун алайҳ)

Ушбу ҳадис меҳмонни иззату икром қилишга гўзал равишда тарғиб қилади. Унга кўра, ўзини комил иймонлилардан деб ҳисоблаган ҳар бир киши меҳмонини икром қилмоғи лозим. Акс ҳолда иймони ҳали комил бўлмаган ҳисобланади. Ҳадис замирида шундай маънолар ҳам ётадики, меҳмонни икром қилиш ийманий хислатлар сирасидан экан. Демак, меҳмонни икром қилганлиги учун киши дунёю охиратда ажру савобларга эга бўлади. Меҳмонни иззат қилиш яхши ишлар, маъруф ишлар қаторига киради. Набийи Муҳтарам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўз ҳадисларида **لِكُلِّ** яъни “ҳар бир маъруф иш садақа (яъни савоб)дир”, дея марҳамат қилганлар. Демак, меҳмон кутган инсон бу иш учун ажру савобларга эга бўлар экан. Шу боис, ҳам халқимизда қадимдан: “Меҳмон атойи Худо” деган нақл мавжуд.

Меҳмонни икром қилиш боби жуда кенг бўлиб, у кўплаб ишларни ўз ичига олади. Жумладан, меҳмон ташриф буюрганда, уй соҳиби қандай аҳволда бўлишидан қатъи назар, меҳмонни очиқ чеҳра ва шодлик билан кутиб олмоғи керак. Бу вақтда уй эгаси қандайдир бошқа ишларни режалаштириб турган бўлса ҳам уларни кечиктириб, меҳмонга ҳурмат кўрсатиш билан овора бўлиши мақсадга мувофиқ ишдир.

Шунингдек, меҳмонларнинг ҳолатларига қараб ҳам икром қилиш ҳар хил

бўлиши мумкин. Зеро, Ойиша онамиздан ривоят қилинган бир ҳадисда: “مەلزانم سانلا اولزانأ” (анзилун-нааса манаазилахум) “одамларни ўз ўринларига туширинг, яъни кишиларни мақом-мартабаларига монанд муомала қилинг”, дея марҳамат қилинган. Бу сўзни асло одамларни бойкамбағалга ажратиш маъносида тушунмаслик лозим. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурига бирон қабиланинг оқсоқоли келса, уни ўзига ярашадиган иззат икром билан кутиб олардилар. Бошқа юртлар катталарига мактуб ёзмақчи бўлганларида, ўша вақтда ташқи оламда урф бўлганлиги учун мактубга алоҳида муҳр босган ҳолда юборишни маъқул кўрганлар.

Хуллас, меҳмонни икром қилишда ҳам кишиларнинг мавқеъларига ва урф-одатга қараб иш тутиш айни муддаодир. Баъзан уйингизга қавмнинг обрўли кишиларидан, олиму фозиллардан бўлган меҳмонлар ташриф буюриши мумкин. Шундай одамларни ўзига муносиб тарзда кутиб олинади. Бордию, хонадонингизга ота-онангиз ташриф буюришса, уларни ҳам алоҳида эҳтимом билан кутиб олмоқ лозим. Хуллас, ҳар доим ҳам келавермайдиган ноёб меҳмонларни, кунда шунда бўлган жиян ёки укаларингизга кўрсатган икромингиздан ўзгачароқ бир иззат билан кутиб олиш керак бўлади.

Абу Шурайх ал-Хузоъий (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган қуйидаги ҳадиси шарифда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қиладилар:

ايە تزئاج امو اولاق ،ە تزئاج ە فيض مركيلف رخآل مويلاو هللاب نمؤي ناك نم وهف ك لذ ءارو ناك امف مايأ ةثال ة فايضلاو ە تليلو هموي :لاق ؟ هللا لوسر ة قدص

Маъноси: “Аллоҳга ва Охират Кунига иймони бор одам меҳмонига унинг мукофотини иззат-икром билан тақдим қилсин”. - Унинг мукофоти нима, Ё Расулalloҳ, дейишди. Меҳмоннинг мукофоти бир кеча ва кундузидир, дедилар Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)- “зиёфат эса уч кун бўлади, ундан ортиғи мезбон томонидан садақадир”. (муттафақун алайҳи)

Бу шарафли ҳадисдан тушунмизки, меҳмонни бир кеча-кундуз давомида аъло даражада иззат қилинади. Бу унинг мукофот ҳаққидир. Қолган икки кунда ҳам меҳмонни икром қилиш мезбон зиммасида вожиб. Ундан кейин ҳам икромда давом этса, бу мустаҳаб амал бўлиб, бунинг учун қўшимча

ажр олади.

Меҳмондустлик ажойиб ҳислат бўлиб, одамлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбек халқи «Меҳмонхонанг тор бўлса ҳам меҳру дилинг кенг бўлсин», дейишади.

Меҳмон эҳтиёж юзасидан келган бўлса, уни ортиқча саволлар билан қийнамай, бунга айтишига имкон бериш керак. Гапларини диққат билан тинглагач, уни хижолатга қўймай, сўраганини беришга ёки илтимосини бажаришга ҳаракат қилинг. Баъзида келган меҳмон юзини сидириб, ўз муддаосини айтишга журъат қилолмаслиги мумкин. Шундай ҳолатда сезгирлик ва фаросатни ишга солиб, унинг дилидагини топа билиш фозил одамларнинг хислати.

Қадимги арабларда олийжанобликнинг шундай бир кўриниши бор экан: Муҳтожроқ киши бадавлат одамларни зиёрат қилганда, ҳалиги бадавлат киши, ҳол-аҳвол сўрагандан сўнг, хизмат(?), дея келиш сабабини сўрарди. Шунда зиёратга келган муҳтож киши: “Сизга салом бергани ва карамли юзингизни зиёрат қилгани келдим”, дер эди. Шунинг ўзида бадавлат мезбон ташриф буюрган киши ёрдамга муҳтожлиги англари ва у ҳеч нарса сўрамаса, ҳам унга эҳсон ва мурувват қиларди.

- Меҳмон келганда пайсалга солмай дастурхон тузанг ва уйдаги энг яхши неъматларни дастурхонга тортинг.

Бироз чой ичиб, тамадди қилгандан сўнг, ундан нима ейишини, кўнгли нима тусаётганини сўраш яхши иш. Агар унинг истак ва хоҳишига қараб нарса тайёрланса, хурсандчилиги зиёда бўлади. Бироқ меҳмондан: «Бирор нарса ейсизми, бирор нарса олиб чиқайми?» деб сўраш ёмон одатдир. Шунинг учун сўрамасдан уйда борини олиб чиқиб, меҳмон олдига қўйиш керак.

Мезбон лаззатли ва латиф таомни меҳмонига илинади, ўзи бундайроғини ейди. Агар таом оз бўлса ёки меҳмоннинг очлиги сезилса, ўзи камроқ еб, меҳмонга кўпроқ қолдиради. Уйда нима яхши таом, мева-чева ва бошқа неъматлар бўлса, аввало меҳмонга тортилади.

- Меҳмонни овқатланиш учун ортиқча мажбурламанг. Баъзилар меҳмонни шу қадар тўхтовсиз равишда таомга зўрлашадики, ҳатто урушишгача боришади. Ҳамма нарса меъёрида бўлсин. Егулик кетидан егулик кираверса, меҳмон ҳар кирган идишни пок-покиза бўшатадиган даражада ея олмаслиги мумкин. Агар бу ишга зўрланса, унинг саломатлигига путур етади. Иззат-икром зулмга айланиб қолмасин.

- Ширин суҳбат қуриб, оила аъзолари билан яқиндан таништиринг.

Меҳмоннинг ўзи дастурхонни йиғиш таклифини бермагунча дастурхон йиғманг.

Меҳмонга чақирганда шахсан учрашиб, ёки телефон орқали айтилади. Ҳеч бўлмаса, телефон орқали айтиш имконияти бўла туриб, меҳмонни кимдир орқали чорлаш чиройли муомала тарзидан эмас. Бу – таклиф этилган инсонга нисбатан ҳурматсизликдир. Шунингдек, бирон кишини меҳмонга чақирмоқчи бўлсангиз, унинг вақтини суриштириб, зиёфатни унга маъқул келган вақтга тўғриланг.

Меҳмон кутишга тайёргарлик кўраётганда, хоналарнинг озодалигига алоҳида эътибор беринг. Жумладан, ваннахонага тоза сочиқ, янги совун, атир ва ҳоказолардан қўйинг. Бошқа майда-чуйдаларгача қараб чиқинг. Меҳмоннинг кўзи дорда осилган ич кийим, чақалоқларнинг иштонлари ва ҳоказоларга тушиб қолмайдиган бўлсин.

- Меҳмонлар белгиланган вақтдан эрта келиб қолиши мумкинлигини инобатга олиб, ярим соатлар олдин чиройли кийиниб, уларни кутишга тайёр бўлиб туринг.

- Меҳмонлар олдида аёлингиз ёки болаларингизга бақриб, уларни урушиб, асабийлашманг. Бу меҳмонни қувиш билан баробар.

Таом тановул қилинаётганда меҳмоннинг ейиш суръатига қараб, секин-секин тановул қилинг. Ундан аввал тугатиб қўйманг. Шунингдек, меҳмонга таомни келтиргач, у билан бирга тановул қилинг. Бир меҳмон: «Меҳмон учун мезбоннинг тўқлигидан кўра зарарлироқ нарса йўқ», дея ҳазиллашган экан. Чунки меҳмоннинг олдида овқат олиб келинса-ю, мезбон овқат еб, тўйиб олган бўлса, меҳмон билан бирга ейишолмайди, натижада меҳмон уялиб, бемалол овқатлана олмаслиги мумкин.

Меҳмон асосий таомни тановул қилиб, бироз ҳордиқ чиқариб, нафасини ростлаб олгач, фарзандларингизни ими-жимиди чақариб, уларни меҳмонга таништиринг. Фарзандларингизни чиройли кийинтиришни унутманг.

Агар янги уйга кўчган бўлсангиз, ёки анчадан бери шундай янги қурилган кўркам хонадонда истиқомат қилаётган бўлсангиз ва уйингизга биринчи марта кимдир меҳмон бўлиб келган бўлса, вақт топиб унга хоналарни кўрсатиб сайр қилдилинг. Эҳтимол, меҳмонингиз уйингизни томоша қилгиси келар, лекин буни очиқ айтишга ийманиши мумкин. Албатта, ётоқхона ва аёллар ўтирган хоналар кўрсатилмайди.

Агар бир жамоани меҳмонга чақирсангиз, улар озчилик бўлса бирга ўтирсангиз зарар қилмайди. Чунки уларга дастурхон устида хизмат қилиб туриш керак бўлади. Бордию улар кўпчилик бўлса, ташқарида хизмат қилиб турган маъқул.

Зиёфат сўнгида меҳмонни эшикдан ташқарига кузатиб чиқиш, унинг ташрифидан бениҳоя хурсанд бўлганлигини изҳор қилиш ва яна ташриф буюришини сўраб қолиш ҳам меҳмоннавозлик қонун қоидалари сирасига киради. Шунингдек, меҳмонни бирон танишининг машинасида манзилига элтиб қўйиш ёки ҳеч бўлмаганда кўчадаги машинага ўтказиб юбориш ҳам жуда яхши иш.

Хонамиз дўстлар оёғидин топар нури зиё,  
Уй – фонус, меҳмон шамъу мен эсам парвонамен.  
Меҳмон ҳар қанча турса, хизматин айлай бажо,  
Кетса меҳмон мен мисоли мажнуни девонамен.

Аввалдан белгилаб чақариладиган меҳмондорчилик ҳам ҳар хил бўлади. Меҳмонга чақариш мусулмонлар ўртасида меҳр-оқибатни шакллантирадиган, қалбларни бир-бирига яқин қиладиган фазилатли амаллардандир. Гоҳида мезбон сизнинг ёлғиз ўзингизни ёки оилавий равишда меҳмонга чақариши мумкин. Бу сиз билан оилангизга кўрстатилган юксак эҳтиром. Шундай ҳолатларда агар чўнтагингиз кўтарса, меҳмонга чақираётган хонадон эгасига қандайдир совға, ширинлик ва ҳоказо харид қилсангиз нур устига нур бўлади. Бу унинг эҳтиромига кичик бир рамзий жавоб бўлиб хизмат қилади.

Меҳмонга боришнинг, меҳмон бўлишнинг ҳам ўзига яраша одоб ва маданиятлари мавжуд. Аввало бирон узрли сабаб бўлмаса ёки шаръий монеълик бўлмаса, чақирилган жойга албатта бориш даркор. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўплаб ҳадисларида меҳмонга чақирганда бориш мусулмонларнинг бир-бирлари устидаги ҳақларидан эканини уқтириб: “هَبْجَافَ كَاعِدِ اذِاُو” (Ва изаа даъаака фа-ажибҳу) яъни “Биродаринг сени меҳмонга чорласа, бас, унга ижобат эт”, деб буюрганлар. Чақирилган жойга бормасангиз, дўстингизни ранжитган бўласиз, жамият муносабатларига раҳна соласиз.

Меҳмон мезбон кўрсатган ўринга ўтиради. Бордию меҳмон ўзбошимчалик билан жой танласа, эҳтимол мезбоннинг аҳли аёли кўринадиган жойга ўтириб қолиши мумкин. Бу эса мезбонга азият етказди. Агар зиёфатда ёши улуғ одамлар ҳам ўтиришган бўлса, улардан аввал таомга қўл узатмаслик лозим. Ёши улуғларни ҳурмат қилиш динимиз талабидир. Меҳмоннинг овқат келадиган томонга ҳадеб ўгирилавериши ҳам яхши эмас.

Меҳмонга борган киши ўз одобини сақлаган ҳолда ўтириши лозим. Мезбон чой, овқат ва ҳоказо келтиргани чиқиб кетиши билан ҳали уни, ҳали буни ушлаб томоша қилиш, дарров телевизорни ёқиб, у каналдан бу каналга олиш ёки мезбоннинг уй телефонида ёхуд стол устидаги қўл телефонида берухсат фойдаланиш меҳмон бўлиш одобига зиддир. Лекин, китоб ва ҳоказоларни кўриш бундан мустасно. Қисқаси, ҳали ўртада унс ва илиқлик пайдо бўлиб улгурмасдан бурун меҳмон ўзини ўз уйидагидек ҳис қилиб юбормаслиги керак.

Лекин ўта тортинчоқлик, ўта сертакаллуфлик, ўта камгаплик ҳам ярашмайди. Аввало инсон қайси жойда ўзини қандай тутишни ҳам уддалай билиши керак. Фақат ёлғиз бир киши ёки камчилик чақирилган зиёфат бўлса, демак бу мезбоннинг чақирилган кишиларга алоҳида ҳурмат ва эҳтироми борлигидан далолат қилади. Бунда ҳадеб тортинавермасдан, мезбон билан яқиндан суҳбатлашиш мақсадга мувофиқ.

Меҳмонлар олдига тортиладиган нарсалардан зиёфат давомида баҳраманд бўлиш жоиз. Дастурхон устидаги нарсаларни мезбон рухсатисиз уйга олиб кетиш мумкин эмас. Чунки, дастурхонга қўйилган нарсаларнинг барчаси ҳам меҳмоннинг мулки ҳисобланмайди. Ёйилгандан ортгани уй эгасининг мулкида қолаверади.

Меҳмондорчиликка бой ёки камбағал эканига қарамасдан бориш керак. Агар нафл рўза тутган киши меҳмондорчиликка чақирилса, рўзасини маълум қилади, агар мезбон “бормасанг бўлмайди” деб туриб олса, боради. Зиёфатга борганида овқатланмай ўтириши мезбон ва бошқаларга малол келмаса, овқат емагани маъқул, агар малол кўрса, нафл рўзасини очиб, бошқа куни қазосини тутиб беради.

Агар бир киши меҳмонга чақирилган бўлса, у зиёфат эгасининг изнисиз бошқа бир одамни бошлаб бориши нотўғри иш ҳисобланади. Чунки, зиёфат маълум сонли кишилар учун мўлжаллаб тайёрланган бўлиши мумкин. Мезбон мўлжаллаган сондан ортиқча одам борса, мезбон ноқулай аҳвода қолиши мумкин. Бордию, шундай бўлиб қолса, яъни чақирилмаган одам бошлаб борилса, бу ҳақда мезбондан аввалдан рухсат олиш ёки уйига борганда ҳолатни тушунтириб, изн сўраш лозим бўлади. Бордию, мезбон нариги одамни меҳмон қилишга рози бўлмаса, бундан хафа бўлинмайди.

Саҳобаи киромлардан бири Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга бир неча кишини меҳмонга чақиради. Улар зиёфат соҳибининг уйига йўл олишар экан, бошқа бир чақирилмаган инсон ҳам уларнинг ортидан эргашиб боради. Мезбон уйига етиб боришганда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мана бу киши чақирилмаган эди, лекин ортимиздан эргашиб келди агар рухсат берсанг киради, бўлмаса ортига қайтиб кетади”, дедилар. Шунда хонадон соҳиби: Албатта рухсат бераман. У ҳам уйга кирсин, дея ҳалиги кишини ҳам меҳмон қилади. Ушбу ҳадисдан маълум бўладики, чақирилмаган меҳмон мезбон изни билан зиёфатга қўшилар экан. Чақирилмаган меҳмон деганда кутилмаган меҳмонни тушунмаслик керак. Чақирилмаган меҳмон деганда, бирор жойда хос зиёфат бўлаётганини билиб, чақиримаса ҳам борган ёки бошлаб борилган кишига айтилади. Меҳмоннинг ҳурмати учун чақирилмаган меҳмонни ҳам икром қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бирор кишининг хонадонида меҳмон бўлаётган киши мезбонни қийин аҳволга солиб қўядиган даражада кўп муддат қолиб кетмаслиги керак. Меҳмоннинг иззати уч кун. Бундан оширмасликка ҳаракат қилиш керак.

Имом Муслим ривоят қилган бир ҳадисда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай марҳамат қилганлар:

هَمْثُؤِي فِيكَو هَلَلَا لَوْسَرَايَاوَلَاقْ هَمْثُؤِي سِتْحَ هِيْخَا دَنْعَ مِيْقِي نَأْمَلْسَمَلْ لِحِيَا

هه به رقي هل ٲش الو هه ع مقي :لاق

Маъноси: “Мусулмон киши ўз биродарининг хонадонида уни гуноҳга қўядиган даражада узоқ муддат меҳмон бўлиб турмасин. Саҳобалар: Ё Расулаллоҳ, қандай қилиб, уни гуноҳга қўяди, деб сўрашди. Шунда Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу сўзни изоҳлаб: “биродарининг ҳузурида уни меҳмон қилишга ҳеч нарсаси қолмагунча туради, (ана шунда уни гуноҳга қўйган бўлади)”, дедилар.

Маҳмуд Қошғарий айтади: “Бефаҳм меҳмон уй эгасини хижолатга қўяди”.

Бир улуғ кишини меҳмонга чақиршиганида: “Таклифингни уч шарт билангина қабул қиламан. Биринчиси – бозордан атайлаб нарса сотиб олмайсан. Иккинчиси – уйингда борини яширмай олдимга қўясан. Учунчиси – аёл ва болаларининг ҳақини менга едирмайсан”, деган экан.

Меҳмонга борган одам мезбон томонидан тортиқ қилинган таомларни танқид қилмасдан, халқ тили билан айтганда палтақам ўқимасдан тановул қилиши лозим. Гарчи, таом унинг нозик таъбига мос равишда, аъло даражада пиширилмаган бўлса ҳам мезбоннинг кўнглига ҳар хил фикр келиб қолмаслиги учун буни билдирмасликка ҳаракат қилади.

Меҳмон мезбонни турли юмуш ва илтимослар билан қийнаб қўймаслиги лозим.

Меҳмон зиёфат сўнгида хонадон соҳибининг ҳаққига хайрли дуолар қилади. (Меҳмондорчилик учун миннатдорлик изҳор қилади ва “Ассалому алайкум”, дея хайрлашади). Бу борада бизларга Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) энг гўзал намунадирлар. Ул зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларини таомлантириб, зиёфат берганларни чиройли дуолар билан мукофотлар эдилар. Жумладан шундай дуоларни ўқирдилар:

يٰٓاٰقْس ن م ق سا و ي ن م ع ط ا ن م م ع ط ا م ه ل ل ا (Аллоҳумма аъим ман аъяманий, васқи ман сақоний )Маъноси: “Эй Аллоҳ, мени таомлантирган кишиларни Сен ҳам таомлантиргин, мени сув билан суғорган кишиларни сен ҳам сероб қилгин!”.

Ушбу ҳадис катта маъноларни ўз ичига олади Аллоҳнинг таомлантириши ва суғориши бу дунёда бўлиши ҳам мумкин ва охирада жаннатда бўлиши

ҳам мумкин.

Анас (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда шундай хабар берилади: Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Саъд ибн Убоданикига меҳмон бўлиб келдилар. У нон ва ёғ келтирди. Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) улардан тановул қилдилар ва:

“ةكئال ملى مكئىل ع تلصو راربأل مكماع ط لكأو نومئاصل مكدنع رطفأ”

(Афтара индакуму-с-соимувн ва акала тоаъмакумул-аброр ва соллат алайкумул-малоика) дея дуо қилдилар. Бу дуонинг мазмуни шундай: “Хонадонингизда рўзадорлар оғиз очсин, таомингизни яхшилар есин ва сизларга фаришталар саловот айтиб, ҳақингизга дуо ва истиғфор айтсин!”. (Абу Довуд ва бошқалар ривояти)

Жобир (разияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: Бир куни АбулҲайсам ибн Тийҳон исмли киши Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва у кишининг асҳоблари учун зиёфат уюштирди. Таомланиб бўлишгач, Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асҳобларига қараб: “مكأخأ اوبئىثأ” (Асийбуу ахокум) яъни “биродарингизни тақдирланг, (ажрини беринг)”, дедилар. Саҳобалар: Ё Расулаллоҳ, унинг ажри қандай бўлади, деб сўрашди. Шунда Расулаллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундай дедилар: “Киши биродарининг уйига кириб, унинг таомидан еса, сувидан ичса, сўнгра унинг ҳаққига дуо қилса, ана шу унинг мукофоти ва ажри бўлади”.

Набий (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларини меҳмон қилган кишининг ҳаққига мана бундай дуо ҳам қилардилар:

مهمحراو مهل رفغاو مهتقزر امئف مهل كراب مهلل

Маъноси: “Эй Аллоҳ, бу хонадон аҳлининг ризқига барака бер, уларнинг гуноҳларини мағфират қил ва уларга раҳм айла!” (Муслим ривояти)

Меҳмоннинг икромии борасида бир ибратли ҳикоят:

Ҳикоя қилишларича, бир пайтлар уч юз асирни амир Мўъмин ибн Зоиднинг олдига келтиришди. Амир асирларнинг барини ўлимга ҳукм қилди. Шу пайт асирлар орасидан бир йигит отилиб чиқди-да, амирга: “Эй амирим, сизни Худога топширдик, айтинг, ўлимимиз олдидан сув беришсин, деди.

Амир асирларга сув беришни мулозимларига амр қилди. Шунда ўша йигит яна ўрнидан туриб, амирга қуллуқ қилди ва: “Эй улуғ амир, бугун энди сизнинг меҳмонингиз бўлдик, меҳмонга мурувват ва иззат-икром кўрсатиш эса мезбоннинг бурчи. Сиз бурчингизга содиқ бўлинг”, деди. “рост сўзладинг, йигит”, деди амир ва барча асирларни озод қилиб юборди.

**Тошкент шаҳари "Шайх Зайниддин" жомеъ масжиди имоми хотиби  
Одилхон Исмоилов**